

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТАШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



Педагогик компетентлик фани бўйича малакавий имтиҳон  
ДАСТУРИ

ЧИРЧИҚ – 2020

## **Аннотация**

Мазкур дастурда педагогика мутахассислигидан таянч маълумоти бўлмаган изланувчиларнинг магистратура таълим босқичи ўқув дастурлари асосида “Педагогик компетентлик” фани бўйича билимини қўшимча малакавий имтиҳон орқали текшириш учун тавсия этиладиган саволлар, мавзу йўналишлари, изланувчилар жавобларини баҳолашда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлган жиҳатлар белгилаб берилган.

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. У.И.Махкамов,  
п.ф.д., Ж.Э.Усаров,  
п.ф.н., доцент, Ф.У.Жуманова,  
Фалсафа фанлари доктори (PhD) С.Б.Қораев

**Тақризчилар:** п.ф.д., проф. Д.И.Рўзиева,  
п.ф.д., проф. Б.Х.Хаджаев

## **СЎЗ БОШИ**

Дастур педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлғуси мутахассисларга ҳозирги даврда ўтмишнинг илфор педагогикасининг узвий давоми эканлигини кўрсатиш ҳамда педагогика тараққиёти йўналишларини англаб олишга қуидаги имкониятларни беради.

-педагогик компетентлик фанига доир манбалардан фойдаланиш ва педагогик компетентлик ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

- замонавий кишилик жамияти олдида турган энг муҳим муаммолардан бири талим-тарбия жараёнини модернизация қилишга оид фаннинг истиқболли назарий жиҳатлари билан таништириш;

- педагогик компетентликка қўйилаётган замонавий талаблар билан қуроллантириш;

- касбий компетентлик тамойиллари билан таништириш ва тингловчиларда мазкур кўникмаларни ҳосил қилиш;

- талим-тарбия жараёнини бола руҳияти, унинг нейропсихологик, нейропедагогик имкониятларини хисобга олган ҳолда ташкил этиш учун зарур болган билим коникмаларни эгаллашларини тамиллаш;

- педагогик фаолиятни амалга оширишда креативлик, фасилитаторлик қобилиятларини ва методик саводхонликни ҳамда компетентликка нисбатан чукур педагогик-психологик тайёргарликни шакллантиришдан иборат.

### **Фан бўйича билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар.**

“Педагогика назарияси ва тарихи” ўкув фанини ўрганиш жараёнida қуидаги педагогик тушунчаларни билиш ва кўникмаларга эга бўлиш зарур: таълим-тарбия ишларини мустақиллик ғояларидан фойдаланилган ҳолда педагогик қонуниятлар ва тамойилларга уйғун ҳолда ўтказиш; педагогик фаолиятни режалаштиришда, яқин, ўрта даврни ва истиқболни кўзлаб мақсад, вазифаларни белгилаш; амалиётда ўқитиш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий шаклларини қўллаш; амалиётда ўқитиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг қулай метод ва воситаларини қўллаш, маълум вазиятларда улардан тўғри фойдалана олиш; таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар. Шарқ ва Ғарбнинг илфор педагогик тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш; ўз олдига қўйган вазифаларни тўғри бажарилишини ташкил этиш; шахс фаолияти ва хулқини рағбатлантириб бориш; педагогик вазиятлар, таълим ва тарбия натижаларини таҳлил эта олиш, жамоани ўрганиш; ўзлаштираслик сабабларини, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун самарали тадбирларни белгилаш; ўз билимини ошириб бориш, амалиётда педагогика фанидаги ютуқлар, илфор тажрибалардан фойдаланиш, қулай педагогик тадқиқотлар ўтказиш, педагогик фаолиятда юзакичилик ва бир қолипда ишлашга йўл қўймай, ишга ижобий муносабатни намоён этиш; гуруҳ раҳбари ва тарбиячи-мураббий вазифаларининг самарадорлигига эришиш, ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик, билан ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш.

### **Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишга талабгорга бериладиган топшириқлар мазмuni**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илм-фани ривожлантириш принциплари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида педагогика фанини ривожлантиришга қўйилган талаблар.

3. Педагогика фани тараққиётида халқаро илғор тажрибаларни қўллаш ва таълим тизимини модернизатсиялаш тизими.
4. Педагогика тарихининг тараққиёт тенденсиялари
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғирсида”ги Қонуни асосида таълим тизими ислоҳ қилиш йўллари.
6. Таълим-тарбия ва педагогика тарихини даврлантириш муаммолари
7. Педагогик компетентлик фанининг предмети, обьекти, мақсади ва вазифалари
8. Педагогик компетентликнинг педагогика фанлари тизимида орни. Фаннинг предмети, обьекти, мақсади ва вазифалари. Компетентлик тушунчалари. Компетентлик турлари. Педагогик компетентлик, профессионал компетентлик ва ўқитувчи касбий компетентлигига қўйилаётган замонавий талаблар.
9. Педагогик компетентликнинг назарий-методологик асослари
10. Педагогик компетентликда методологик ёндашувлар. Компетенциявий ёндошув, компетенция турлари, фанларро ёндашув, малумотли ёндашув.
11. Ривожланган мамлакатларда педагогик компетентликка оид илмий ёндошувлар.
12. Евropa мамлакатлари талим тизимида педагогик компетентликнинг ҳолати. Россия педагогикасида педагогик компетентликка оид илмий изланишлар. Мамлакатимизда педагогик компетентликнинг илмий ва назарий асослари.
13. Мамлакатимизда таълим тизимида компетенциявий ёндашувлар.
14. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ва битиравчиларга қўйилган компетентлик талаблари. Ҳуқуқий меъёрий асосланиши.
15. Олий таълим ўқитувчиси касбий компетенциясини такомиллаштириш аспектлари
16. Компетентсия туйшунчаси, моҳияти. Таълимда компетенциявий ёндашув, компетенция атаманинг мазмуни. Компетенциянинг жамиятдаги ўрни. Амалий аҳамияти
17. Ўқитувчи касбий компетенциясини такомиллаштириш тизими
18. Ўқитувчининг касбий компетенцияси тизими — педагогик маҳорат орқали намоён бўлиши. Касбий тайёргарлик моделини шакллантириш. Факт ва ҳодисаларни назарий жиҳатдан таҳлили. Таҳлил этишни назарий даражага олиб чиқиши маҳорати. Касбий компетенция ва унинг шаклланиш босқичлари. Шахсий компетенция; маҳсус ва дидактик компетенция; коммуникатив компетенция; информацион компетенция; муаммоларни ҳал эта олиш; ривожлантирувчи мухитни яратиш.
19. Педагогик назария тарихи методологияси ва компетенция мезонлари
20. Педагогик маҳорат; касбий тайёргарлик; професионализм; педагогик компетенция; касбий компетенция; замонавий педагог; замонавий ўқитувчи; замонавий модел; педагогик компетенция модели; профессионал тайёрлашнинг замонавий модели.
21. Олий таълим ўқитувчиси илмий компетенциясини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий аспектлари
22. Илмий назария, илмий дунёқараш. Илмий таҳлил. Илмий адабиётлар, мулоҳаза ва хулосалар. Илмий ёндашув методикаси.
23. Олий таълим ўқитувчиси малакасига эга бўлиш учун қўйиладиган талаблар. Профессиограмма.
24. Профессиограмма — касб тавсифномаси. Касб эгаларини тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ҳамда ўқув фанлари бўйича дастурлар яратишда профессиограммаларнинг аҳамияти.

Профессиограмма: олий таълим ўқитувчиси вазифалари, фаолиятининг мазмун-моҳияти; ўқув-методик, илмий-тадқиқот, тарбиявий ва ташкилий-методик ишлар; ўқитувчи шахсий тавсифи ва ўзига хослиги; ўқитувчининг маҳсус тайёргарлиги, психологияк-педагогик тайёргарлиги; педагогик билимлар: диагностика, прогностик, лойиҳалаш, конструктивлик, коммуникативлик, ташкилотчилик, таҳлил қилиш.

25. Педагогларнинг ўз-ўзини ривожлантириш компетенциялини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари

26. Педагогик таълим кластери шароитида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш методикаси, ўқув курсининг предмети ва вазифаси. Илмий-педагогик адабиётларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси” тушунчалари талқини. Таълим муассасаларининг ижтимоий-маданий муҳити, ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантиришининг омиллари.

27. Шахсий ўсиш компетентсияларини ривожлантиришнинг илмий-методик жиҳатлари

28. Ўзини ўзи ривожлантириш методлари. Таълим кластери шароитида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш жараёни модели. Талабаларнинг индивидуал ўқув-билиш таълими амалиёти машғулотларини лойиҳалаш методи. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шаклланганлигини баҳолаш мезонларини танлаш.

29. Педагогик креативлик. Креативлик негизида акс этувчи муҳим сифатлар, шахс креатив фаолиятининг икки жиҳатини ёритувчи тест турлари, педагог креативлик потенсиалига эга бўлиши лозим бўлган қоидалар, педагогнинг креативлик потенсиалини ривожлантирувчи методлар, педагогик креативлик малакалари, креатив потенсиалининг таркибий асослари, креативлик потенсиалининг устувор тамойиллари, педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар.

31. Ҳамкорлик педагогикасининг концептуал ғоялари.

32. Ҳамкорлик педагогикасининг таснифий белгилари.

33. Машғулотларни он-лайн тизимида видео анжуманлар ва семинар-тренинглар асосида ташкил этиш; талабалар ўртасидаги коммуникастияни жадаллаштириш; талабаларнинг ўқув фанини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқишлирини оширишга йўналтирилган хусусий-методик технологияларни амалиётга татбиқ этиш; талабаларни тьюторлик, фасилитаторлик фаол жалб этиш ва бошқалар.

34. Педагоглик тьюторлик фасилитаторлик қобилиятлари асосида лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш амалиёти

35. Лойиҳалар устида ишлаш тартиби ва қоидалари. Индивидуал лойиҳа ишларини бажаришда тьюторнинг ўрни. Гурухий лойиҳаларни амалга ошириш йўллари ва фасилитаторлик фаолияти.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Байденко В.И. Виявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования гос впо нового поколения: методическое пособие. – м.: исследовательский центр проблем качества подготовки спетсиалистов, 2006. – 72 с.

2. Искандаров, К. А. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришга муносабат: изланишлар, муаммолар, ечимлар / К. А. Искандаров. — Текст : непосредственный // Молодой ученик. — 2016. — № 29.3 (133.3). — С. 13-17. — УРЛ: [хттп://молуч.ру/архиве/133/37854/](http://moluch.ru/archive/133/37854/) (дата обращения: 06.10.2020).

3. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / – Тошкент, 2015. –120 бет.

4. Ломакина, Г. Р. Педагогическая компетентность и компетенсия: проблемы терминологии / Г. Р. Ломакина. — Текст : непосредственный // Педагогическое мастерство: материалы И Междунар. науч. конф. (г. Москва, апрел 2012 г.). — Москва: Буки-Веди, 2012. — С. 276-279. — УРЛ: [хттп://молуч.ру/сонф/пед/арчиве/22/2190/](https://moluch.ru/conf/ped/archive/22/2190/) (дата обращения: 06.10.2020).

5. Йўлдашев Ж. Г., Усмонов С. А. “Педагогик технология асослари”. Тошкент. — “Ўқитувчи”, 2004.

6. Агзамов А., Юсупов А. “Ўқувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиш”. — Тошкент, 2004.

7. Ишмухамедов Р. Ж. “Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”. — Тошкент, 2006/

8. Ж.Э.Усаров. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчилар-нинг компетенсияларни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари// Монография.«Машхур-пресс”, Тошкент-2019, 192 бет, 11,76 б.т

9. Усаров Ж.Э. Шарипова Г.Н. “Педагогик таълим кластери шароитида бўлажак педагогларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенсиясини шакллантириш методикаси” Ўқув қиласма (қўллўзма) Чирчиқ-2020.

#### Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

1. [www.chdpi.uz](http://www.chdpi.uz)
2. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
3. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
6. [www.ziyoronet.uz](http://www.ziyoronet.uz)
7. [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)